

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «31» 5

2022-190-2-35-МТ-сон

ш.

Жондор туман мактабгача таълим булими (кейинги ўринларда “Буюртмачи”

(юримдик шахсининг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.) деб юритилади) номидан Низом (*Устав, ишончнома ва ҳ.к*) асосида ҳаракат қилувчи раҳбари О.Баракаев бир (*вазифаси, фамилияси, исми*) томондан ва “**Бухоро Омад Барака**” МЧЖ (кейинги (*юримдик шахсининг номи ёки фуқаро Ф.И.Ш.*) ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низоми асосида (*Устав, ишончнома ва ҳ.к*) ҳаракат қилувчи раҳбари Ф.Бобоев иккинчи (*вазифаси, фамилияси, исми*) томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз таваккалчилигига асосланган ва ўзининг ҳамда Буюртмачининг материалларидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг топшириғига асосан куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини Жондор туман мактабгача таълим булимига қарашли 4-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш, Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси 186 197 081 сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига куйидагиларни олади: МТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари.

2.3. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов куйидаги тартибда амалга оширилади: аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш (*бир вақтнинг ўзида, аванс тўлови билан бўлиб-бўлиб тўлаш ва ҳ.к*)

3.2. Тўлов шакли: тўлов топшириқномаси.

(*тўлов талабномаси, топшириқномаси, чек ва ҳ.к*)

3.3. Шартнома бўйича сўнги ҳисоб-китоб ишлар бажарилгандан сўнг, қабул қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда, 5(беш) кундан кечиктирмай Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАР

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни ишларнинг календар режасида белгиланган муддатларда бажаради (1-илова).

4.2. Буюртмачи куйидаги муддатларда Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди: 30 кун

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати:

Бошланиши – 2022 йил 31 май

Тугаши – 2022 йил 30 июн

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш

майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 3(уч) кунлик муддатда

қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузган тақдирда, айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома баҳосининг фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

6.2. Мазкур шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

6.3. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

7.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз бир ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

9. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

“Голден Мега Капитал Строй сервис” х/к
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Бухоро ш. Қ.Муртазоев 1уй.

Тел./факс

Х/р 20208000600286491001

Банк номи Бухоро вилоят амалиёт булими Халк
банк.Ипотека Банк сардорФ

МФО 00119 ИНН 302829413

ОКОНХ

Буюртмачи:

Жондор туман МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг
номи)

Манзил: Жондор туман

Жондор шаҳарчаси М,Торобий кучаси 48 уй

тел./факс 58-23-400

Ғазна./х 23402000300100001010.

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014 ИНН 305155887

ОКОНХ 92400

ш/х 100022860062467091100251025

Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси

Банк номи. Марказий банк Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар



Ф.Бобоев

Мудир.



О.Баракаев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjatning raqami: XI04003320

2. Loyihaning turi: Shartnoma

3. Loyihaning nomi:

“Pudrat shartnomasi”

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Jondor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 30-may kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha ko'rsatilgan munosabatlar, taraflarning javobgarligi me'yor va nizolarni hal etish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi hamda qonunchilik talablariga mos keladi. Shuningdek amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Jondor tuman yuridik xizmat

ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



Sh.Sh.Jo'rayev

2022-yil 30-may